**Тасдиқлайман**
**Қўштепа туман Халқ таълими бўлими**
**мудири ______________ Н.Мадалиев**
**_13_ _09_ ______________ 2022йил**

**Етказиб берувчи ташкилотни танлаб олиш учун**
**ТАНЛАШ ХУЖЖАТЛАРИ**
**Танлаш хажжатларининг мазмуни:**

**I. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН йўриқнома**
**II.Техник қисм**
**III.Нархлар қисим**

## ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

### 1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. Танлов предмети: Қўштепа туман Халқ таълими бўлими тасарруфидаги 17,45,49 умумтаълим мактабларини жорий тамирлаш

1.2. Танлов охирги қиймати 91 945 000 сум . Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3. Махсулот бўйича Техник топшириқ танлов хужжатларининг техник қисмда илова қилинган.

**Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.**

1.4.Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 15 календар кун.

1.5 Ишларни бошлаш муддати– аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб хисобланади.

### 2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1**. Фарғона вилояти Қўштепа туман Халқ таълими бўлими**, (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) -танлав ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили**: Қўштепа туман Қийқи МФЙ Сардоба кучаси 31 уй**

Эл.адрес:

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов - “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

### 3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2.Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қуйилади:

танлов предмети қийматининг камида 10 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;

танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлик фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

### 4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАКДИМ ЭТИШ

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда (etender.uzex.uz) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштиришли лозим.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар "Буюртмачи" ва "Иштирокчи" ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3. танлов хужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим:

- Техник қисм, "Буюртмачи" томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;
- Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлиқ кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

4.4. Қуйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича қуйидаги таклифлар:

- Техник таклиф, Фирменний бланкада имзоланган, номерланган ва мухрланган холда;
- Техник хужжатлар руйхати (брошюралар, техник паспорлар ёки ўхшаш хужжатлар рўйхати илова қилинади);
- Нархлар таклифи ва нархлар бўйича жадвал тулдирилиши ва илова қилиниши лозим.
- шартномани бажариш учун зарур техник, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурсларнинг мавжудлиги;
- шартнома тузиш учун қонуний ҳуқуққа эгалик
- солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган карздорликнинг мавжуд эмаслиги;
- ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги;
- Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги

4.5. Танлов иштирокчиси:

-фақат битта таклиф бериши мумкин;

- тақдим этилаётган хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;

- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

## 5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар

5.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

5.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни хақиқийлиги ва тўғрилига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

## 6. БОШҚА ШАРТЛАР

6.1. Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади.

6.2. Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

6.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.

6.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

6.5 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.

**Тасдиқлайман**
**Қўштепа туман Халқ таълими бўлими**
**мудири ____________ Н.Мадалиев**
**__13.09__________ 2022йил**

Қўштепа туман Халқ таълими бўлими тасарруфидаги 17,45,49 умумтаълим мактабларини жорий тамирлаш **ишлари буйича**

**ТЕХНИК ТОПШИРИҚ**

| Буюрмачи | Қўштепа туман Халқ таълими бўлими |
|---|---|
| Объект номи | Қўштепа туман Халқ таълими бўлими тасарруфидаги 17,45,49 умумтаълим мактабларини жорий тамирлаш |
| Танлаш тартиб рақами | № |
| Танлаш тури | Очиқ танлаш |
| Танлаш хужжатларини электрон шаклда юклаб олиш манзиллари: | etender.uzex.uz махсус ахборот парталидан юклаб олишлари мумкин |
| Танлаш этказик тугрисидаги эълон чоп этишга рухсат этилди: | etender.uzex.uz махсус ахборот парталидан эълон қилинди. |
| Танлашда иштирок этишга куйидаги танлаш иштирокчиларига рухсат этилади | Етарли машина механизимлар билан таъминланган соха бўйича зарур турувчи мухандисларга ва ухшаш обектлар қурилишда бой тажрибага эга булган. Молиявий барқарор ташкилотлар иштирок етдилар. Қайта ташкил этилиш (бўлиниш қўшилиш) тугатиш ёки банкротлик арафасида турмаганларга, мол-мулк мусорадага олинмаган. хамда муассислик келишув, молиявий иштирок холдит ва бошка шаклда ифодаланган бевосита ташкилий- хуқукий ёки бир-бирига молиявий карамлиги мавжуд бўлмаганларга икки ёки ундан ортиқ пудрат ташкилотлари биргаликда (консорцум ташкил этиш орқали) иштирок этишларига рухсат этилмайди. |
| Лицензия талаб этиладиган иш турлари (агар мавжуд булса) | Сертификат Лицзензия |
| Танлаш таклифларини тақдим қилиш муддатлари | Таклифларни тақдим этиш охирги муддати порталда белгиланган танлашнинг якуний муддатига қадар |
| Танлаш хужжатлари тили | Узбек/Рус тиллари |
| Танлаш предметининг объектида ишлатиладиган танлаш иштирокчисининг машина ва механизимлари асбоб-ускуналари | 6-шаклига асосан Ишларни бажаришда фойдаланадиган танлаш иштирокчисининг машина ва механизимлари рўйхати |
| Танлаш иштирокчисининг техник ва молиявий қисмларини очилишига рухсат этилидиган танлаш иштирокчилари | Танлаш хужжатларида кўрсатилган малакали шахслар |
| Буюртмачининг объект бўйича башланғич нархи | ҚҚС билан сум |
| Буюртмачи томонидан белгиланган бажариладиган иш муддати | 15 календар кун. |
| Молиялаштириш манбаси: | Бюджетдан ташқари маблағлар хисобидан |
| Бажариладиган иш молиялаштириш тартиби: | Таъмирлаш ишларининг жорий йилдаги қийматининг 30% аванс Охирги тулов-70% ишлар-хизматлар бажарилгандан (товарлар етказиб берилгандан) сўнг. |
| Машина механизмлар тўғрисида | Ташкилотни балансида мавжуд машина механизимлари хақида маьлумотлар ёки керакли машина ва механизмлар билан таъминловчи корхонанинг кафолат хати |
| Рейтинг | Пудратчининг Қурилиш вазирлиги махсус электрон |

| | |
|---|---|
| | проталида рейтинги мавжудлиги тўғрисида маълумот |
| Молиявий холати | Корхонани охирги йиллик баланс хисоботлари (Давлат солиқ инспекциясидан тасдиқланган булиш керак). Қурилиш ташкилотини хисоб рақамида конкурсдаги қурилиш ишларини суммасини 20% миқдорида пул маблағи мавжуд булиши ёки шу миқдорда айланма маблағи борлиги туғрисида банк хати |
| Ишчи ходимлар тўғрисида | Инжинер ва техник ходимлар ва доимий ишчи мутахасислар тўғрисида маълумот (Ушбу маълумот Ўзбекистон Республикаси Ягона миллий мехнат тизимидан олиниши хамда ходимларнинг ИНПС рақами ва ИНПС га ўтказилган маблағлари тўғрисидаги маълумотлар тўлиқ тақдим этилиши шарт) |
| Иш тажрибаси | Ташкилотни охирги уч йил мобайнида бажарган ишлари хамда конкурс объектига ўхшаш объектларрда бажарган ишлари тўғрисида маълумот |
| Кафолат хати | Пудратчи 3 йил мобайнида бажарган ишлари учун кафолат бериш керак.Агар шу маддат ичида носозлик холати аниқланса пудратчи хисобидан бартараф этилади |
| Шартнома тили | Узбек тили |
| Шартнома валютаси | Узбек сўмда |